

**“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI” АЖ  
Кузатув кенгашининг  
2022 йил 21 февралдаги 2-сонли  
қарори билан**

**“HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АУДИТ ҚЎМИТАСИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Тошкент - 2022 йил**

## **МУНДАРИЖА**

1.	Умумий қоидалар	3
2.	Аудит қўмитасининг ваколатлари	3
3.	Қўмитани ташкил этиш	4
4.	Қўмита йиғилиши	5
5.	Қўмита аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари	6
6.	Қўмита ҳисоботи	7
7.	Қўмита фаолиятини таъминлаш	7
8.	Яқуний қоидалар	7

## **1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Аудит қўмитаси тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2006 йилдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомга, “Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) Устави, 2016 йил 11 февралда Акциядорлик компаниялари самарадорлигини ошириш комиссияси мажлисининг баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошкарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамият Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасининг (кейинги ўринларда Қўмита деб юритилади) фаолиятини тартибга солувчи асосий хужжат бўлиб ҳисобланади.

1.2. Қўмита Кузатув кенгашининг вазифаларини самарали бажарилишини таъминловчи ёрдамчи орган ҳисобланади;

1.3. Қўмита амалдаги қонунчилик хужжатларига, Кузатув кенгашининг топшириқлврига ва ушбу Низомга мувофиқ иш юритади;

1.4. Қўмита Жамиятнинг алоҳида органи бўлиб ҳисобланмайди ва Жамиятнинг номидан ҳаракат қилиш ҳуқукига эга эмас;

1.5. Қўмита ўз тавсиядарини Кузатув кенгашига қарор қабул қилиш учун тақдим этади.

1.6. Қўмита ташкил этишдан мақсад Жамият Кузатув кенгashi ваколатига кирувчи айrim масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ва Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш орқали Кузатув кенгashi фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини оширишдан иборат.

1.7. Қўмита ушбу Низомнинг 2.1.-бандида кўрсатилган масалалар бўйича Кузатув кенгashi аъзоларининг Жамият фаолияти юзасидан назоратни амалга оширишдаги бевосита иштирокини таъминлаш ва уларнинг шахсий хабардорлигини ўрнатишга кумаклашади.

1.8. Қўмита молиявий ҳисботларни, Ички аудит хизмати ва мустақил ташқи аудитни назорат қиласиди ҳамда молиявий ҳисбот амалиётининг тавсия этилган стандартларига риоя этилишини таъминлайди.

## **2. Аудит қўмитасининг ваколатлари**

2.1. Қўмита ваколатига қўйидаги масалаларни дастлаб кўриб чиқиш ва улар бўйича Жамият Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш киради:

2.1.1. Бухгалтерия ва молиявий ҳисботлари соҳасида:

а) Жамият бухгалтерия (молиявий) ҳисботларининг тўлиқлиги, аниқлиги ва ишончлилигини назорат қилиш;

б) Жамият ҳисоб сиёсатининг муҳим жихатларининг таҳлил қилиш;

в) Жамиятнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисботларига нисбатан муҳим масалалар ва фикрларни кўриб чиқишида иштирок этиш;

г) Жамият самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (КПЭ) бўйича ҳисботларни кўриб чиқишида иштирок этиш.

2.1.2. ички ва ташки аудитни ўтказиш сохасида:

а) ички аудит жараёнларини амалга оширишнинг мустакиллиги ва объективлигини таъминлаш;

б) Жамият молия-хужалик фаолияти учун ички аудит хизмати тизимини белгиловчи ички хужжатларни кўриб чиқиши, тасдикланган хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиши;

в) Ички аудит хизматининг йиллик иш режасини (текширишлар ва мониторинглар режасини) кўриб чиқиши, зарур ҳолларда унга тўзатишлиар киритиш (тахрирлаш) ва унинг бажарилиши натижаларини кўриб чиқиши;

г) Ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш (лавозимидан бўшатиш), уларга ҳақ тўлаш (ички аудит хизматини юритиш учун харажатлар сметалари) миқдори масалаларини кўриб чиқиши;

д) ички аудит хизмати ходимлари сонини белгилаш масаласини кўриб чиқиши (зарур ҳолларда);

е) ички аудит ходимларини хар йилги аттестациядан ўтказиш, аттестация учун намунавий саволлар рўйхатини ишлаб чиқиши;

ж) Жамият ички аудит хизматининг йиғма ҳисботларини қонунчилик ва ички хужжатлар талабларига мувофиқлигини таҳлили қилиши;

з) Жамият ташки аудиторларида манфаатлар тўқнашуви йўқлигини, уларнинг мустақиллигини ҳамда ташки аудиторликка номзодларни баҳолаш, уларни тасдиқлаш ва уларни четлатиш ҳамда уларнинг хизматлари учун ҳақ тўлаш ва уларни жалб қилиш шартлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

и) аудиторлик текшируви натижаларини ва аудиторлик ҳисботида келтирилган барча маълумотларни Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилгунга қадар мустақил аудитор билан олдиндан кўриб чиқиши ва муҳокама қилиши;

к) мустақил аудиторнинг тавсияларини Жамият Ижро органи томонидан бажарилишини назорат қилиши.

2.1.3. ички назорат ва хатарларни бошқариш сохасида:

а) Манфаатлар тўқнашувини бошқариши сиёсатини амалга оширилишини баҳолаш ва таҳлил қилиши;

б) Жамиятнинг Ахборот сиёсатига риоя этилишини назорат қилиши.

2.1.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави ва ички хужжатлари ҳамда ушбу Низом талаблари билан белгиланган вазифаларни хал этишга ва мақсадларга эришишга қаратилган бошқа масалалар.

### **3. Қўмитани ташкил этиши**

3.1. Қўмитани ташкил этиши, Қўмита аъзолари ва раисини сайлаш, шунингдек уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш Кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

3.2. Қўмитанинг миқдорий таркиби Кузатув кенгашининг қарори билан 3 (уч) кишидан кам бўлмаган миқдорида сайланади. Қўмита таркиби Кузатув кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин ва шунингдек Қўмитанинг хар қандай аъзосининг ваколатлари Жамият Кузатув кенгашининг қарори

билин муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

3.3. Кўмита фаолиятини бошқариш учун Кузатув кенгаши томонидан Кўмита раиси сайланади. Кўмита раиси этиб Кузатув кенгашининг аъзоси сайланади. Кўмита раиси Жамият Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталари раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

3.4. Кўмита раиси бўлмаган вақтда унинг барча вазифалари қўмита аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

3.5. Кўмита раиси ва аъзоларини сайлашда уларнинг маълумоти, касбий тайёргарлиги, Кўмита фаолияти соҳасидаги иш тажрибаси, шунингдек Кўмита аъзоларининг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур бўлган маҳсус билимлари ҳисобга олиниши лозим. Кўмитанинг барча аъзолари молия соҳасида билимга эга булишлари ёки қўмитага тайинланганидан кейин муайян вакт ичида бундай билимларни эгаллаши лозим.

3.6. Кўмита аъзолари ушбу Низом шартларига мувофик Кузатув кенгашининг янги сайланган таркибининг биринчи мажлисигача бўлган муддатга сайланадилар.

#### **4. Кўмита йиғилиши**

4.1. Кўмита карори мажлисда иштирок этиш (шу жумладан видеоконференция ёки конференция алоқаси оркали) ёки сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Кўмита мажлисларини ўтказиш учун кворум Кўмитанинг сайланган аъзолари сонининг камидаги 2/3 қисмини ташкил этади. Кўмита йиғилишидаги барча қарорлар унда иштирок этувчи Кўмита аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.2. Кўмитанинг янги таркиби тасдиқланган Кузатув кенгаши мажлисидан сунг 30 (уттиз) қундан кечиктирмай ўтказиладган Кўмитанинг биринчи мажлисида Кўмита ўз иш режасини тасдиқлаши мумкин. Кўмитанинг иш режаси Кўмита томонидан Кузатув кенгашига ўз ваколатига тегишли тавсиялар тайёрлаш заруратидан келиб чиқсан ҳолда Кузатув кенгашининг иш режаси асосида тасдиқланади. Зарур ҳолларда Кўмита ўз иш режасига киритилмаган масалаларни ҳам кўриб чиқади.

4.3. Кўмитанинг мажлиси (шу жумладан сиртдан овоз бериш билан ҳам) Кўмита раисининг ташаббуси билан, Кўмита аъзосининг талабига кўра, Кузатув кенгаши мажлисининг чақирилишини талаб қилишга ҳақли бўлган органлар ва шахсларнинг талабига кўра, шунингдек Кузатув кенгашининг топшириғига кўра чақирилади.

4.4. Кўмита қарорларини қабул қилишда мажлисда қатнашаётган Кўмита аъзолари кун тартибидаги масалалар юзасидан уз фикрларини овоз бериш йўли билан билдиришлари шарт.

Агар Кўмита аъзоси мажлисда шахсан иштирок эта олмаса, кун тартибидаги масалалар бўйича уз фикрини ёзма тарзда тақдим этишга ҳақли.

4.5. Мажлисни ўтказиш учун кворумни белгилашда Кўмитанинг иштирок этмаётган аъзоларининг мажлис бошланиши вақтидан кечиктирмай тақдим этилган ёзма фикрлари ҳисобга олинади.

4.6. Мажлисда (шу жумладан сиртдан овоз беришда) Кўмитанинг баённомаси юритилади.

Кўмита мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан кейин 3 (уч) кундан кечиктирмай тузилади .

Мажлис баённомаси Кўмитанинг мажлисда иштирок этувчи барча аъзолари томонидан имзоланади.

4.7. Жамият Кузатув кенгашига тавсиялар бўйича қарорлар қабул қилинган Кўмита мажлислари баённомаларининг нусхалари (баённомалардан кўчирма) Кузатув кенгаши кун тартибида Кўмитанинг тавсияси талаб қилинган масала бўлган мажлиси учун материалларнинг бир қисми сифатида Кузатув кенгаши аъзоларига юборилиши керак.

Жамият бошқаруви учун таклифлар ишлаб чиқилган Кўмита мажлислари баённомаларининг нусхалари (баённомалардан кўчирма) Жамият Бошкарув раисига юборилиши лозим.

4.8. Кўмита раисининг розилиги билан Кўмита мажлисларига Кўмита аъзоси бўлмаган шахслар ҳам таклиф этилиши мумкин.

4.9. Кўмита мажлисида муайян масалани кўриб чиқишида Кўмита аъзоси манфаатларининг тўқнашуви ҳақидаги хар қандай маълумот Кўмита мажлисидан олдин ошкор этилиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши эътиборига етказилиши лозим.

4.10. Кўмита ваколатининг муайян масаласини батафсил ўрганиш ва бундай ўрганиш натижасида эришилган хулосаларни Кўмита мажлисида маълум қилишга Кўмитанинг хар қандай аъзосига ваколат берилиши мумкин.

## **5. Кўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

5.1. Кўмита аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият Ижро органидан Кўмита ваколати масалаларига оид маълумотлар ва хужжатларни талаб қилиш;

Кўмита мажлиси кун тартиbidагi масалалар ва қабул қилинган қарорлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини Кўмита мажлиси баённомаларига киритишларини талаб қилиш;

ушбу Низомда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

5.2. Кўмита аъзоларининг мажбуриятлари қўйидагича:

мажлислар кун тартиbidагi масалалар юзасидан овоз бериш йўли билан Кўмита қарорларини қабул қилишда иштирок этиш;

Кўмита мажлиси учун ва мажлис давомида тақдим этилган хужжатларни ўрганиш;

Кўмита аъзосининг ўз вазифаларини бажариши чоғида унга маълум бўлган Жамиятнинг фаолиятига оид бироқ Узбекистон Республикаси қонунчилигига ёки Жамиятнинг ички хужжатларига мувофик ошкор этилиши чеклаб қўйилган маълумотларни ошкор қилмаслик;

Кўмита мақсадларига зид келувчи ёки унинг аъзолари малакасига шубҳа ўйғотувчи хатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик;

ўз вазифаларини амалга оширишда Жамиятнинг манфаатлари йўлида оқилона, яхши ниятда харакат қилиш;

қарор қабул қилишда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хақида дархол Кўмитага хабар бериш;  
ушбу Низомда назарда тутилган бошқа вазифаларни бажариш.

## **6. Кўмита ҳисоботлари**

6.1. Жамият Кузатув кенгашининг Аудит қўмитаси кўриб чиқилган масалалар ва қабул килинган карорлар (тавсиялар) бўйича хисоботни хар йили Кузатув кенгашига маълумот сифатида тақдим этади.

Ушбу хисобот Аудит қўмитасининг фаолиятини тавсифловчи алоҳида бўлим сифатида Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботида акс эттирилади.

## **7. Кўмита фаолиятини таъминлаш**

7.1. Кўмита фаолияти билан бөглиқ харажатлар Жамият томонидан амалга оширилади. Кўмита аъзоларига ўз вазифаларини бажарганлиги учун акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида йиллик ҳақ тўланиши мумкин.

7.2. Кўмита ишига ташқи эксперталар (мутахассислар, ташкилотлар) жалб этилиши мумкин. Ташқи эксперталарни жалб қилиш зарурлиги тўғрисидаги қарор Кўмита мажлисида Кўмитанинг исталган аъзосининг таклифи билан қабул қилинади.

7.3. Ташқи эксперталар пулли асосда улар бўйича тегишли харажатлар Жамият бизнес режасида кўзда тутилган режалаштирилган бўлса, тегишли шартномалар тузиш йўли билан жалб қилинади.

## **8. Якуний қоидалар**

8.1. Мазкур Низом ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

8.2. Ушбу Низом ва унга киритилган барча ўзгаришлар Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштирилади ва уларга эркин кириш таъминланади.

8.3. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.